

Самимий, астойдил қилинган дуо

05:00 / 03.03.2017 3235

Абдурроҳман ибн Зайд розияллоҳудан ривоят қилинади:

«Робийъ жумъа куни Алқаманинг олдига кеар эди. Ўшанда мен бўлмасам, менга одам юборишарди. Бир сафар у келса, мен йўқ эканман. Бас, Алқама мени учратганда:

«Робийъ нима олиб келганини биласанми? Одамлар кўпроқ нимани сўраб дуо қилишларини биласанми? Дуоларнинг нима учун ижобат бўлмаслигини биласанми? Бунинг сабаби, Аллоҳ аzza ва аалла фақат ихлос билан билан қилинган дуонигина қабул қилар экан», деди.

«Буни Абдуллоҳ ҳам айтган эмасми?» дедим.

«У нима деган эди?» деди.

«Абдуллоҳ: «Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эшиттирувчидан, риёкордан ва ўйновчидан эшитмайди. Фақатгина қалбидан собит туриб дуо қилувчинигина эштади», деган эди», дедим.

«Алқамани зикр қилдимми?» деди.

«Ҳа», деди».

Шарҳ: Бу ҳадисдан Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло самимий, ихлос билан қилинган дуони қабул қилишини билиб оламиз.

Эшитиб турганларга ёқсин деб қилинган дуо қабул бўлмас экан.

Риё учун йиғлаб, бировлар кўрсин дея хўнграб қилинган дуо ҳам қабул бўлмас экан.

Кўнгли ва хаёли бошқа ёқларда юриб, ўйин қилиб юборилган дуо ҳам қабул бўлмас экан.

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло қалбида собит туриб, ихлос билан, Аллоҳнинг ўзига ёлвориб, риёсиз, ўйин қилмай қилинган дуонигина қабул қилар экан.

Ривоятда айтилишича, кўпчиликнинг дуоси шунинг учун ижобат бўлмас экан. Ҳамма дуо қилади, жуда кўп дуо қилинади, лекин нега қабул бўлмайди, ижобат бўлмайди?

Сабаби дуони ҳамма ҳам қилаверади, лекин кимдир риё учун, бировларга эшиттириш учун қилади ёки ихлоссиз қилади. Шунинг учун унинг дуоси қабул бўлмайди.

Ихлос билан, чин дилдан, Аллоҳга ёлвориб, риёсиз дуо қиладиган одамларнинг дуосигина қабул бўлади. Бундай кишилар жуда кам учради. Шунинг учун дуолар ҳам кам қабул бўлади.